



ЕДИНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ СИСТЕМА РАЗРАБОТКИ И  
СОГЛАСОВАНИЯ ПРОЕКТОВ НОРМАТИВНО-  
ПРАВОВЫХ АКТОВ

Проект

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҚАРОРИ**  
**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар**  
**киритиш тўғрисида**  
**VQL-3396/22-2**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Солиқ маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш даврида бизнес учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 28 июндаги ПФ-162-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига **иловага** мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Ш.Д. Кудбиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**

**Бош вазири**

**А.Арипов**

## Вазирлар Маҳкамасининг

2022 йил “ \_\_\_ ” \_\_\_\_\_ -сон

қарорига

ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги 320-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органларида хизматни ўташ тўғрисида”ги низомда:

а) 45-банднинг биринчи хатбошисидаги “2, 3 ва 4” рақамлари “2 ва 3” рақамлари билан алмаштирилсин;

б) 3-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органларида хизматни ўташ тўғрисидаги низомга

3-ИЛОВА

Давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахсларининг лавозим маошларига қўп йил хизмат қилганлик учун ҳар ойлик устама ҳақ

## МИҚДОРЛАРИ

Иш стажи	Рағбатлантириш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда лавозим маошига устама ҳақ миқдори (коэффициент ҳисобида)
2 йилдан 5 йилгача	0,1
5 йилдан 10 йилгача	0,2
10 йилдан 15 йилгача	0,3
15 йилдан 20 йилгача	0,4
20 йилдан 25 йилгача	0,5
25 йилдан ортиқ	0,6

”

в) 4-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 июндаги 522-сон қарори билан тасдиқланган Ўзаро ҳисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги ҳисобварақ-фактуралардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 6-бандга қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши қўшилсин:

“ЭХФларнинг фақат ID рақами, сотувчи, харидор, сана ва вақти тўғрисидаги

маълумотларини ўзида сақлаши, қолган барча ахборотларни белгиланган муддатда сақлаш учун Роуминг операторига узатиш”;

б) 9-банддан “тасдиқланган ЭҲФлар камида 5 йил давомида сақланишини ва” сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 10-бандга қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши қўшилсин:

“операторларда ЭҲФларнинг фақат ID рақами, сотувчи, харидор, сана ва вақти тўғрисидаги маълумотларини сақланишини, ЭҲФларга тегишли тўлиқ маълумотлар Роуминг оператори ахборот тизимида сақланишини таъминлаш”.

**3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 13 августдаги 666-сон қарорида:**

а) Муқаддиманинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Фойдаланилмаётган объектларни хўжалик фаолиятига тезкор жалб этиш механизмини янада такомиллаштириш, бўш турган объектлардан оқилона фойдаланиш ҳамда улар негизида замонавий ишлаб чиқаришларни ва янги иш ўринларини ташкил этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади.”;

б) 1-бандда:

иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

учинчи хатбошиси иккинчи хатбошиси деб ҳисоблансин;

в) 3-банд “а” кичик бандининг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“фойдаланилмаётган объектлар бўйича давлат солиқ хизмати органларига хулоса тақдим этиш.”;

г) 4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“4. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига фойдаланилмаётган объектлар ишга туширилганлигининг ҳисобини юритиш вазифалар юкланади.”;

г) 5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

хатловдан ўтказиш вақтида белгиланган муддатда тугалланмаган қурилиш объектлари, бўш турган бинолар, яшаш учун мўлжалланмаган иншоотлар, шунингдек, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари умумий майдонининг 50 фоизидан кўпроғидан (бир бино ёки нотураж жой хонаси контури доирасида) товарлар ишлаб чиқаришда (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) фойдаланилмай келинган бўлса (мавсумий тусдаги фаолият амалга ошириладиган объектлар бундан мустасно), бўш турган объектлар ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари (кейинги ўринларда фойдаланилмаётган объектлар деб аталади) сифатида эътироф этилади;

давлат мулки бўлган фойдаланилмаётган объектларни белгиланган тартибда сотиш, ижарага, шу жумладан давлат-хусусий шериклик асосида бериш чоралари қўрилади;

фойдаланилмаётган объект хўжалик фаолиятига жалб этилганда таъсирчан солиқ

механизмини қўллаш натижасида ҳисобланган солиқ суммалари хўжалик фаолиятига жалб этилган объект мулкдорига тегишли миқдорда қайтарилади. Бунда таъсирчан солиқ механизмини қўллаш натижасида тўланган солиқ суммасини қайтариш 2-ишчи гуруҳининг хулосаси асосида охириги 12 ой учун татбиқ этилади.”;

д) 6-банддаги “Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси” деган сўзлар “Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

е) 3-иловада:

иккинчи графа иккинчи позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1-ишчи гуруҳи”;

3-блок чиқариб ташлансин;

4-блок чиқариб ташлансин;

5-блок чиқариб ташлансин;

биринчи графа олтинчи позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2-босқич”;

7-блок чиқариб ташлансин;

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Солиқ тўловчиларни ҳисобга олишни янада такомиллаштириш ва қўшилган қиймат солиғининг ўрнини қоплаш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 22 сентябрдаги 595-сон қарори:

а) 3-банди “б” кичик бандидаги “2022 йил 1 январдан” “2023 йил 1 январга қадар” деган сўзлар тегишинча “2023 йил 1 мартдан” ва “2024 йил 1 мартга қадар” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

б) 1-иловада:

4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“ҚҚС гувоҳномаси фаол бўлган солиқ тўловчилар томонидан қўшилган қиймат солиғи фақатгина белгиланган тартибда солиқ органларида махсус рўйхатдан ўтган ва фаол гувоҳномага эга бўлган етказиб берувчилар томонидан тақдим этилган ҳисобварақ-фактуралар асосида ҳақиқатда олинган товар (хизмат)лар бўйича ҳисобга олиниши мумкин.”;

9-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Солиқ кодекси талабларига мувофиқ қуйидаги солиқ тўловчиларга қўшилган қиймат солиғи бўйича махсус рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома солиқ хавфи даражасига аниқлик киритилмасдан туриб автоматик равишда берилади.”;

10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ушбу Низомнинг 9-бандида кўрсатилган тадбиркорлик субъектларининг фаолияти солиқ органлари томонидан мониторинг қилиб борилади ва мониторинг давомида солиқ хавфи ҳолатларининг аниқланиши қўшилган қиймат солиғи бўйича махсус рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳноманинг амал қилишини тўхтатиб қўйишга асос бўлади;”

19-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Солиқ тўловчининг солиқ хавфи гуруҳларидан бирига киритилганлиги тўғрисида хабарнома гувоҳноманинг амал қилиши тўхтатилишидан беш иш куни олдин юборилади.”

31-банди тўртинчи хатбошидаги “.” деган белги “;” деган белги билан алмаштирилсин;

31-банд қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“солиқ хавфининг юқори даражасига эга солиқ тўловчиларнинг қўшилган қиймат солиғи бўйича махсус рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳноманинг амал қилиши бу ҳақида солиқ органлари томонидан беш иш куни олдин хабарнома юборилгандан сўнг ҳамда мазкур муддатда камчиликлар бартараф этилмаган тақдирда тўхтатиб турилади (бундан амалга оширилаётган битимлар (операциялар) харид қилинаётган ва реализация қилинаётган товарлар (хизматлар) номенклатурасига мувофиқ келмаслиги ёки солиқ тўловчи давлат рўйхатидан ўтказилган манзилда мавжуд бўлмаганлиги ҳолатлари мустасно).”;

4-илованинг тўртинчи графа учинчи позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Беш иш кунидан олдин”.